

**ДИҚҚАТ!**  
**ЕР ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИДА ЯНГИЛИК!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**ФУҚАРОЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МУЛК ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНИШИНИ СЎЗСИЗ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**» 2019 йил 3 августдаги Ф-5491-сон [фармойишига](#) мувофиқ 2019 йил 16 ноябрда ВМнинг [911-сонли](#) “**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУЛК ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ ВА КОМПЕНСАЦИЯ БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**” ҚАРОРИ қабул қилинди

**ДИҚҚАТ!**  
**ЕР ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИДА**  
**ЯНГИЛИК!**

**Ҳукумат қарори билан Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисидаги**  
**НИЗОМ [тасдиқланди.](#)**

**НИЗОМ бўйича  
компенсация  
тўлаш тартиби**

**1.ер участкасини олиб қўйишга зарурат туғилганда биринчи навбатда ҳокимлик ёки инвестор ва мулкдорлар ўртасида ОАВ иштирокида очиқ муҳокама ўтказилади**

**2.ҳокимлик ёки инвестор томонидан дастлабки ҳисоб-китоблар амалга оширилади, шунингдек, компенсация бериш учун етарли ресурслар мавжудлиги ўрганилади**

**3.Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан ер участкасини олиб қўйилишидаги фойда ва харажатлар ўрганиб чиқилади, ресурслар етарли бўлганида ҳамда фойда ва харажатлардан устун келган тақдирда ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади. Ҳокимликлар ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ваколатли эмас**

**НИЗОМ бўйича  
компенсация  
тулаш тартиби**

**4. олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкасидаги кўчмас мулклар баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланади**

**5. ҳоқимлик ёки инвестор ва мулкдорлар ўртасида компенсация тури, миқдори ва бериш муддати келишилади ва ушбу келишув нотариал тартибда тасдиқланади**

**6. ҳоқимлик ёки инвестор томонидан мулкдорларга компенсация бериш ишлари амалга оширилади**

**Келишилган компенсация берилмагунча кўчмас мулклар бузиб ташланишига йўл қўйилмайди**

Мулқдорларга  
келишилган  
компенсация  
берилганидан  
кейинги  
харакатлар

1. мулқдор томонидан кўчмас мулк бўшатиб  
берилади

2. ҳокимликлар томонидан кўчмас мулкни  
бузиб ташлаш тўғрисидаги қарор лойиҳаси  
адлия органларига хулоса олиш учун  
юборилади

3. адлия органлари компенсация  
берилганлиги, уй-жойлар амалда тўлиқ  
бўшатирилганлиги ва бошқа ҳолатларни  
ўрганади ва ўз хулосасини ҳокимликларга  
тақдим этади

4. адлия органларининг хулосаси ижобий  
бўлган тақдирдагина кўчмас мулкни бузиб  
ташлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинади

## **Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби**

Олиб қўйиладиган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бошқа шахсга ўтказишга Келишув имзоланганидан сўнг ташаббускорнинг ёзма розилик хати мавжуд бўлган тақдирда ёки Келишув (Келишувда назарда тутилган тартибда, тарафларнинг розилиги билан ёки суд тартибда) бекор қилинган ҳолларда йўл қўйилади.

Бузиб ташланадиган кўчмас мулк объектини сотиб олган мулкдор мазкур Низомга мувофиқ тузилган Келишувдан келиб чиқувчи аввалги мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

Ер участкалари олиб қўйилиши, кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш, фуқароларни кўчириш, шунингдек, компенсациялар беришда қонун талаблари ижросини назорат қилиш прокуратура органлари томонидан амалга оширилади.

**Мазкур тартиб 2020 йил 1 январдан кучга киради.**

## **13-мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш бўйича тезкор-сўров**

1. Уруш ҳолати эълон қилинган жойларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамма вазифалари муҳофизат соҳасида жамоат тартиби ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида юқори ҳарбий бошқаруви органлари ихтиёрига ўтади.

*Савол: Бу қайси мақсадлар учун мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятни ифодалайди?*

2. Бу ерлар илгариги ердан фойдаланувчилар ихтиёрида қолади, аммо ерга нисбатан уларнинг ҳуқуқлари маълум даражада чегараланган бўлади.

*Савол: Бу ерда гап қайси мақсадлар учун мўлжалланган ерлар тўғрисида кетаяпти?*

## **13-мавзу:**

# **АЛОҲИДА МУХОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ҲУДУДЛАР ЕРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ (8 соат)**

## **Р Е Ж А:**

- 1. Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари тўғрисида тушунча.**
- 2. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати**
- 3. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати**
- 4. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати**
- 5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларнинг ҳуқуқий ҳолати**
- 6. Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари ҳуқуқий ҳолатининг хусусиятлари**



**13-мавзу 1-мавзу:  
Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар  
ерлари тўғрисида тушунча ва ҳуқуқий  
ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари**

**РЕЖА:**


- 1. Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари таркиби.**
- 2. Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунча.**

# Маъруза машғулотин ўқитиш технологияси модели

Талабалар сони 96	13-Мавзу, 1-маъруза 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборотли-маъруза
Машғулотнинг режаси:	1.Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунча. 2. Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари.
Машғулотнинг мақсади:	Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тасаввурни шакллантириш.
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
1.Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари таркиби тўғрисида тушунча беради. 2..Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунча беради..	1.Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари таркиби тўғрисида тасаввур шаклланади.. 2..Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тасаввурга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
Ўқитиш воситалари	Доска, слайдлар
Ўқитиш шакли	жамоавий иш
Ўқитиш шарт- шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория
Мониторинг баҳолаш	блиц сўров

## “МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
<p>1 босқич</p> <p>Ўқув машғулотиغا кириш</p> <p>20 дақиқа</p>	<p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади.</p> <p>Машғулот очик маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	<p>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p>
<p>2 босқич</p> <p>Асосий қисм</p> <p>50 дақиқа</p>	<p>2.1.Тарқатма материал тарқатилади мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибда намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (диаграммалар, жадваллар)</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади.</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, жадвал ва диаграммаларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
<p>3 босқич</p> <p>Яқуний босқич</p> <p>10 дақиқа</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қарагади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>



# АЛОҲИДА МУХОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ҲУДУДЛАР ЕРЛАРИ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МАНБАЛАР

қонунлар

ҚОНУН ОСТИ  
ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон  
Республикаси Ер  
кодекси  
(9-боб. 71-75  
моддалар)

Ўзбекистон  
Республикасин  
инг қонуни  
«Муҳофаза  
этиладиган  
табиий  
ҳудудлар  
тўғрисида»  
(2004 й. 04.12)

Ўзбекистон  
Республикасин  
инг қонуни  
“Табиатни  
муҳофаза  
қилиш  
тўғрисида”  
(09.12.1992 й)

Ўзбеки

**АЛОҲИДА МУХОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ХУДУДЛАР  
ЕРЛАРИ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ  
МАНБАЛАР**

**қонунлар**

Ўзбекистон  
Республикаси  
Ер кодекси

Ўзбекистон  
Республика  
сининг  
қонуни  
«ҲАЙВОНОТ  
ДУНЁСИНИ  
МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ ВА  
УНДАН  
ФОЙДАЛАНИШ  
ТЎҒРИСИДА»

Ўзбекистон  
Республика  
сининг  
қонуни  
“Табиатни  
муҳофаза  
қилиш  
тўғрисида”

**ҚОНУН ОСТИ  
ҲУЖЖАТЛАРИ**

[ПФ-5863](#)

[ПФ-  
5742](#)

[ВМ-737](#)

[ВМ-347](#)

**АЛОҲИДА  
МУХОҒАЗА  
ЭТИЛАДИГАН  
ХУДУДЛАР  
ЕРЛАРИ  
ҲУҚУҚИЙ  
ҲОЛАТИНИ  
ТАРТИБГА  
СОЛУВЧИ  
ҚОНУНЛАР**

**Ўзбекистон Республикасининг қонуни  
“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”**

**Ўзбекистон Республикасининг қонуни  
“Ер ости бойликлари тўғрисида”**

**Ўзбекистон Республикасининг қонуни  
“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан  
фойдаланиш тўғрисида”**

**Ўзбекистон Республикасининг қонуни  
“Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан  
фойдаланиш тўғрисида”**

**Ўзбекистон Республикасининг қонуни  
“Давлат ер кадастри тўғрисида”**

**Ўзбекистон Республикасининг қонуни  
“Ўрмон тўғрисида”**

# АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ХУДУДЛАР ЕРЛАРИ ТУШУНЧАСИ

ЕК 9-боби

Ўзбекистон Республикаси ер кодексининг 71-  
моддасига кўра алоҳида муҳофаза этиладиган  
ҳудудлар ерлари деганда давлатнинг тегишли  
органлари томонидан қонунда белгиланган  
тартибда табиатни муҳофаза қилиш,  
соғломлаштириш, рекреация, тарихий-  
маданий мақсадлар учун ажратиб берилган ер  
майдонлари тушунилади



# МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ХУДУДЛАР ТУШУНЧАСИ

“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар  
тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси  
қонунининг [4-моддаси](#)”

Ернинг ва (ёки) сув кенгликларининг (акваторияларнинг) устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсаддаги доимий ёки вақтинча фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган участкалари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади.

## РЕСПУБЛИКА ЕР ФОНДИ ТАРКИБИДА МУХОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИЙ ХУДУДЛАРГА БИРИКТИРИЛГАН ЕРЛАР САЛМОҒИ

Миллий ҳисобот 2019 й

Ўзбекистон республикаси Ер кодексининг 8-моддасига кўра табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар республикамиз ер фонди тизимида алоҳида ва мустақил 2 та тоифани ташқил этади. Ушбу тоифалар ерларининг умумий майдони 725.9 минг гектарни ёки ер фондининг 1.63 %ни ташқил этади. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон республикасининг бир қатор қонунлари ҳамда қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИНИНГ ТИФЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ

Т/р	Ер фондининг тифлари	Умумий ер майдони, минг га		% ҳисобида	
		01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.	01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20261,6	20236,3	45,13	45,08
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	221,2	221,4	0,49	0,49
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	857,1	866,3	1,91	1,93
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	704,4	710,4	1,57	1,58
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	14,3	14,5	0,03	0,03
6	Ўрмон фонди ерлари	11153,3	11199,5	24,84	24,95
7	Сув фонди ерлари	833,7	836,9	1,86	1,87
8	Заҳира ерлар	10846,8	10807,1	24,16	24,07
	<b>Жами ерлар:</b>	<b>44892,4</b>	<b>44892,4</b>	<b>100.0</b>	<b>100.0</b>

**Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига  
мўлжалланган ерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси,  
Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича тақсимланиши**

(минг га. ҳисобида)

Т/р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Умумий ер майдони	Экин ерлар	Кўп йиллик дарахтзорлар					Пичангзорлар	Яйловлар	Жами қишлоқ хўжалик ерлари	Ўрмонзорлар	Бошқа ерлар
				Жами	шу жумладан								
					боғлар	узумзорлар	туғзорлар	мевали кўчатзорлар ва бошқа дарахтзорлар					
1	Қорақалпоғистон Республикаси	628,7	0,1							0,1		628,6	
2	Андижон	0,6		0,1	0,1					0,1	0,1	0,4	
3	Бухоро	0,1										0,1	
4	Жиззах	70,5							11,3	11,3	0,2	59	
5	Қашқадарё	0											
6	Навоий	8,5							8,3	8,3		0,2	
7	Наманган	0,3		0,1	0,1					0,1		0,2	
8	Самарқанд	0,1										0,1	
9	Сурхондарё	0,2										0,2	
10	Сирдарё	0,1										0,1	
11	Тошкент	0,4									0,2	0,2	
12	Фарғона	0,3										0,3	
13	Хоразм	0,3	0,1							0,1		0,2	
14	Тошкент ш.	0,3										0,3	
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>710,4</b>	<b>0,2</b>	<b>0,2</b>	<b>0,2</b>				<b>19,6</b>	<b>20</b>	<b>0,5</b>	<b>689,9</b>	

## Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар

(минг га. ҳисобида)

Т/р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Умумий ер майдони	Экин ерлар	Қўп йиллик дарахтзорлар				Бўз ерлар	Пичанзорлар ва яйлоқлар	Жами қишлоқ хўжалик ерлари	Бошқа ерлар	
				жами	шу жумладан:							
					боғлар	узумзорлар	тутзорлар					меваги кўчатзорлар ва бошқа дарахтзорлар
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2,8								2,8		
2	Андижон	0,1								0,1		
3	Бухоро	0,5								0,5		
4	Жиззах	1,8								1,8		
5	Қашқадарё	2,5						0,1	0,1	2,4		
6	Навоний	0,8								0,8		
7	Наманган	2,5								2,5		
8	Самарқанд	0,4								0,4		
9	Сурхондарё	0,5								0,5		
10	Сирдарё	0								0		
11	Тошкент	2								2		
12	Фарғона	0								0		
13	Хоразм	0,1								0,1		
14	Тошкент ш.	0,5								0,5		
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>14,5</b>						<b>0,1</b>	<b>0,1</b>	<b>14,4</b>		

# МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ХУДУДЛАР ТОИФАЛАРИ

“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг

5-моддаси”

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар белгиланган мақсади ва режимига қараб қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- давлат қўриқхоналари;
- мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари;
- табиат боғлари;
- давлат табиат ёдгорликлари;
- айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар;
- муҳофаза этиладиган ландшафтлар;
- айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар

**Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар таркибидаги ерлар**

Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар

Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар

**Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар таркибидаги ерлар тушунчаси**  
**(ЕКнинг 9-боб 71 моддаси)**

**Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар** жумласига давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, табиат ёдгорликларининг белгиланган тартибда корхоналар, муассасалари ва ташкилотларга махсус мақсадлар учун берилган ерлари киради

**Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар** жумласига табиий шифобахш омилларга эга бўлган, касалликларнинг олдини олиш ва даволашни ташкил этиш учун қулай, белгиланган тартибда тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ер участкалари киради

**Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар** аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасалар ва ташкилотларга берилган ерлар

**Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар** жумласига тарихий-маданий қўриқхоналар, мемориал боғлар, мозорлар, археология, тарих ва маданият ёдгорликларининг тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ерлар



**АЛОХИДА  
МУХОФАЗА  
ЭТИЛАДИГАН  
ХУДУДЛАР  
ЕРЛАРИ  
ҲУҚУҚИЙ  
ҲОЛАТИДАГИ  
ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАР**

Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари мамлакатимиз ер фондида мустақил 2 та тоифани ташқил этиб, махсус белгиланган мақсадда, тегишли вазифаларни бажариш учун хизмат қилади

Ушбу тоифаларга ерлар табиатнинг табиий, эстетик, шифобахш, маданият, архитектура омилларига эга бўлган ҳудудларидан ажратиб берилади

Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари хўжалик мақсадларида фойдаланилмайди

Бу тоифа ерлардан ва унинг атрофида жойлашган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза этишнинг алохида ҳуқуқий тартиби белгиланади

Бу ерларни бошқарувчи органлар турли-туманлиги билан ажралиб туради. Алохида муҳофаза ҳудудлари нафақат давлат органлари, балки жамоат органлари билан ҳам бошқарилиши мумкин

## **Ўтилган мавзуни такрорлаш бўйича саволлар:**

- 1. Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлар тушунчаси нимани англатади?**
- 2. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тушунчаси нимани англатади?**
- 3. Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерларида юзага келган муносабатлар қайси қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади?**

# МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН

## ТОПШИРИҚ:

1. Ер кодекси шархларидан 9-боб “Алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари” билан боғлиқ меъёрларни мустақил ўқиб чиқиш ва ўзлаштириш.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” қонуни мазмуни билан танишиш.